

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВ НОДИР ИСТАМОВИЧ**

**ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАЛАРИДАН ҚОН  
КЕТИШИ, ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН БИРГА КЕЛГАНДА  
САМАРАЛИ ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саломов Нодир Истамович**

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларидан қон кетиши, жигар циррози билан бирга келганда самарали даволаш ва ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш .....3

**Саломов Нодир Истамович**

Разработка эффективных методов лечения и диагностики язвенных кровотечений из желудка и двенадцатиперстной кишки при их сочетании с циррозом печени .....29

**Salomov Nodir Istamovich**

Development of effective treatment and diagnostic methods for bleeding from gastric and duodenal ulcers, when they occur in combination with liver cirrhosis.55

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works .....61

**САЛОМОВ НОДИР ИСТАМОВИЧ**

**ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАЛАРИДАН ҚОН  
КЕТИШИ, ЖИГАР ЦИРРОЗИ БИЛАН БИРГА КЕЛГАНДА  
САМАРАЛИ ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2023.3.PhD/Tib3913 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Уроков Шухрат Тўхтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Акбаров Миршавкат Миролимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 Илмий кенгашнинг 2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ куни соат\_\_\_ даги клисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: 9865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ куни таркатилади.  
(2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**М.М. Абдурахманов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларидан қон кетишлар яра касаллигининг энг хавфли асоратларидан биридир. Замонавий гастроэнтерологияда бу муаммо пайдо бўлишининг юқори кўрсаткичи, ташхиснинг мураккаблиги ва ҳаёт учун хавфли шароитларни ривожланиш хавфи туфайли муҳим бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларга кўра, «...яралардан қон кетиш, яра касаллиги бўлган беморларнинг 15-25%ида учрайди ва ўлимга олиб келадиган хавф даражаси юқори бўлганлиги сабабли гастроэнтерологияда муҳим муаммо бўлиб қолмоқда...»<sup>1</sup>. ЖЦ билан яралардан қон кетишининг биргаликда келиши (комбинацияси) айниқса қийин ҳолатдир. Бундай ҳолларда геморрагик асоратлар хавфи ортади ва даволаш тактикасини танлаш анча мураккаблашади. Бу ЖЦ даги гемостазнинг ўзига хос хусусиятлари ва жигар касалликларида қўлланиладиган дориларнинг самарадорлиги ва хавфсиз таъсири билан боғлиқ. Тадқиқотнинг долзарблиги бутун дунё бўйлаб ЖЦ билан касалланишнинг кўпайишига гувоҳлик қилувчи статистик маълумотлар билан таъкидланган, бу эса ўз навбатида гастродуоденал яралардан қон кетиш каби асоратларнинг ривожланиш эҳтимолини оширади.

Жаҳонда гастродуоденал яралар, диффуз жигар касалликлари билан касалланган беморларда айниқса кенг тарқалган ва бундай яраларнинг аниқ сабаби ҳали тўлиқ аниқланмаган. Қизилўнгач кенгайган варикоз томирлари (ҚКВВТ) ва ошқозондан қон кетиш ЖЦ билан беморларнинг 80% ривожланади. Ушбу ҳолатларда диагностика ва даволаш тактикаси масалалари маълум қабул қилинган стандартларга эга. ЖЦ ва портал гипертензия (ПГ) фонида ошқозон яраси ёки ўн икки бармоқли ичак ярасидан қон кетишини даволаш стратегиясини аниқлаш масалалари, бу муҳокамалар мавзусидир. Маълумки, ЖЦ билан касалланган беморларда ўткир қон кетишини даволашдан кейинги прогноз етарли даражада ўрганилмаган. Асосан кўпчилик тадқиқотлар, қизилўнгач ва ошқозон варикоз томирларининг кенгайишидан қон кетиши бўлган беморларга қаратилган. ЖЦ билан касалланган беморлар, кўпинча яра касаллигида ўзига хос ва мураккаб хусусиятларга дуч келишади. Ушбу хусусиятлар касалликнинг янада оғир ва мураккаб кечиши, шунингдек, асоратлар хавфини ошириши мумкин.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар орасида касалликларга эрта ташхис қўйиш, уларнинг асоратларининг частотасини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни

---

<sup>1</sup> Smith, J. Острая кишечная непроходимость у больных пожилого и старческого возраста // Хирургия. 2023. №8. -С. 25-29.

сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу режада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг вазифалари белгилаб берилган. Жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармокли ичак яраларидан қон кетишда ташхислаш ва даво усуллари оптималлаштиришга асосланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>4</sup>ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»<sup>5</sup>ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup> ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гастродуоденал яралар ва улардан қон кетишининг ЖЦ билан биргаликда келиши иккала патологиянинг кечишини сезиларли даражада оғирлаштиради ва жиддий асоратлар ҳамда ўлим хавфини оширади. Шу билан бирга, ушбу ҳолатларда диагностика ва оптимал, самарали даволаш усулини танлаш муаммоси биз ўрганган адабиётларда кам ёритилган бўлиб, ҳозирги вақтда чуқур таҳлилни талаб қилади (Liu, Y. 2022).

ЖЦ ўз навбатида, жигар тузилишидаги қайтарилмас ўзгаришлар билан тавсифланган сурункали касаллик бўлиб, унинг функцияларини бузилишига олиб келади. ЖЦ нинг кўплаб асоратлари орасида геморрагик синдром, шу жумладан ГДЯ дан қон кетиш алоҳида ўрин эгаллайди (Global Health Data, 2023).

ЖЦ билан касалланган беморларда гастродуоденал яралардан қон кетишлар, унинг клиник кечиши хусусиятлари, ташхисоти ва даволаш усуллари батафсил ўрганишни ва таҳлилни талаб қилади. Хусусан, энг самарали ташхисот усуллари аниқлаш, шу билан бирга турли хил даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш ва иккала касалликнинг ўзига хос

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал даволаш стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шундай қилиб, ЖЦ фонида гастродуоденал яралардан қон кетиши кузатилган беморларда ташхисот ва даволаш хусусиятларини ўрганиш, комплекс ёндашув ва мултидисциплинар, ўзаро таъсирни талаб қиладиган долзарб вазифадир. Ушбу соҳада қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурати ушбу долзарб муаммонинг юқори клиник аҳамияти ва ушбу тоифадаги беморлар орасида ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ўлим кўрсаткичини камайтириш потенциали билан боғлиқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (PhD 198) «COVID -19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишда ташхислаш, даволаш хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, асоратларни даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш учун оптималлаштирилган самарали ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жигар циррози билан касалланган беморларда гастродуоденал қон кетишининг клиник хусусиятларини, касалликларнинг бирга учраш частотаси ва қон кетишининг оғирлик даражаларини ўрганиш;

жигар циррози билан касалланган беморларда гастродуоденал қон кетишининг асосий этиологик омилларини, уларга таъсир қилувчи омилларни ва яралар локализациясини аниқлаш;

жигар циррози билан касалланган беморларда гастродуоденал қон кетишларда стандарт даво ва таклиф қилинган алгоритм натижасида такрорий қон кетишини ҳамда даволаш натижаларини ўрганиш;

жигар циррози билан касалланган беморларда гастродуоденал қон кетишларда асосий ва фон касаллиги билан боғлиқ бўлган ўлим сабабларини аниқлаш;

жигар циррози билан касалланган беморларда гастродуоденал яралардан қон кетишларини тўхтатиш, рецидивларнинг олдини олишда комбинацияланган эндоскопик гемостаз ва унинг имкониятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2024 йиллар давомида Республика шошилиంచ тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилиంచ хирургия бўлимларида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги ЖЦ фонида қон кетиши ташхиси билан даволанган 98 нафар беморда олиб борилган изланиш натижалари таҳлили олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб ЖЦ фонида ривожланган ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишлари ва рецидивларини олдини оладиган консерватив ҳамда эндоскопик гемостазнинг оптимал усулларини

танланган, усулларининг ўзига хослиги ҳамда даволаш натижаларининг таҳлили ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти филиали клиникасида бажарилган клиник, клиник–лабаратор, (тромбоцитлар, коагулограмма, қоннинг ивиш вақти), инструментал (УТС, эластометрия, ЭФГДС) усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралардан қон кетиши билан келган беморларнинг 40-45%ида уларга хос симптомлар кузатилмаслиги, барча гастродуоденал яралар ва улардан қон кетиш билан асоратланган беморлар батафсил текширилганида уларнинг 6%ида жигарнинг ҳар хил даражада ривожланган сурункали диффуз касалликлари аниқланган;

қизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш бўлган беморларда, портал гастропатия ва қон ивиш тизимининг издан чиқиши натижасида параллел равишда ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраларидан қон кетиши кузатилиши аниқланган;

жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралардан қон кетишининг асосий сабаби доимий спиртли ичимликларни истеъмол қилиниши эканлиги клиник лабаратор текширувлар натижаси асосида исботланган;

жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралар мавжуд ҳолатларда нафақат қон кетиш асоратлари балки, жигар циррози ва массив қон кетишлар сабабли, тизимли яллиғланишли жавоб синдромининг (ТЯЖС) ҳамда инфекциянинг ривожланиши билан боғлиқ асоратларга олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

комбинирланган эндоскопик гемостаз, яраларни клипшлаш ва адреналин инъекция қилиш усулларида фойдаланиш, Цефтриаксон, Ребамипид, Глутатион препаратларини ишлатиш, қонамаётган ҚВКВни профилактик равишда эндоскопик чоклаш (лигатура қўйиш) қон кетишнинг рецидивланишини, оператив активликни ва ўлим кўрсаткичларини камайтирган;

ушбу вазифалар назарий таҳлилдан бошлаб ва натижаларни амалий қўллаш билан яқунланган тадқиқотга тизимли ёндашувни таъминлади. Улар муаммони чуқур ўрганишга, ташхисот ва даволашнинг энг самарали усулларини аниқлашга, шунингдек, беморларни даволашни яхшилаш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган;

илмий тадқиқот натижасида ушбу тоифа беморларни даволашда асорат ҳамда ўлим ҳолатини камайтирувчи натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сонининг етарлилиги, клиник, инструментал (ултратовуш сонография, эластометрия, ЭФГДС, МСКТ)



усуллар қўлланилганлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур илмий ишда жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишларда, касаллик кечишининг, клиник натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда замонавий инструментал даволаш усуллари, комбинирланган эндогемостаз, гепатопротектор, антиоксидант, цитопротектив терапия ёндашуви орқали қон кетишларни тўхтатиш, рецидив қон кетишларни ҳамда тизимли яллиғланиш асоратларини камайтириш йўли билан ўлим кўрстагичларини камайтириш самарадорлиги аниқланган ва баҳоланганлиги билан изоҳланган;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЖЦ фонида ошқозон ва ГДЯдан қон кетишлари билан келган беморларда қон тўхтатиш ва рецидивларни олдини олиш, қон кетиш билан ва жигар циррози билан боғлиқ асоратларни ташхислаш, олдини олиш ва ушбу усулларни такомиллаштириш орқали даво натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий хулосалар асосида ЖЦ фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яралардан қон кетишлари билан келган беморларда комплекс текширувлар ва даволаш режаси ишлаб чиқилганлиги, қайд этилган патологик жараёнлар туфайли қон кетишини бартараф қилинишига қаратилган даво усуллари, қон кетишини тўхтатиш, рецидивларнинг камайишига кўмаклашишининг амалий тасдиқланганлиги, беморларда нафақат қон тўхтатиш, балки рецидивларни олдини олиш, қон кетиш билан боғлиқ асоратлар ва тизимли яллиғланишни профилактикаси сифатида цефалоспоринларнинг ишлатилиши даволаш натижаларини яхшилашга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 20 июн 20/01 – сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* илк маротаба жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралардан қон кетиши билан келган беморларнинг 40-45%ида уларга хос симптомлар кузатилмаслиги, барча гастродуоденал яралар ва улардан қон кетиш билан асоратланган беморлар батафсил текширилганида уларнинг 6%ида жигарнинг ҳар хил даражада ривожланган сурункали диффуз касалликлари аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* мазкур илмий ишда жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишларда, касаллик кечишининг, клиник натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда замонавий инструментал даволаш усуллари, комбинирланган эндогемостаз, гепатопротектор, антиоксидант, цитопротектив даволаш ёндашуви орқали қон кетишларни тўхтатиш, рецидив қон кетишларни ҳамда тизимли яллиғланиш асоратларини камайтириш йўли билан ўлим кўрсаткичларини

камайтириш самарадорлиги аниқланган ва баҳоланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали бўйича буйруқ (11.11.2024 й.; №188) ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали бўйича буйруқ (28.02.2025 й.; №55) асосида амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: эндоскопик гемостаз, яраларни клипплаш ва адреналин инъекция қилиш, Цефтриаксон, Ребамипид, Глутатион препаратларидан фойдаланиш натижасида асоратлар ривожланиш ҳолатларининг камайишига эришилади. *Ижтимоий самарадорлиги*: Жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал ярадан қон кетиши бўлган беморларда эндоскопик гемостаз, яраларни клипплаш ва адреналин инъекцияси, шунингдек, Цефтриаксон, Ребамипид ва Глутатион препаратларидан фойдаланиш орқали рецидив қон кетиш ва асоратлар сони сезиларли даражада камайган. *Иқтисодий самарадорлиги*: Бу ҳолат беморларнинг шифохонада бўлиш муддатини ўртача 5–6 кунга қисқартирган. (Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиалининг преysкурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 170000 сўмни ташкил этиши инобатга олинганда, бир бемор ҳисобига бюджет маблағлари ўртача 850000 – 1020000 сўмга иқтисодий самарадорлигига эришилган. *Хулоса*: амалиётлар натижасида рецидив қон кетиш ҳолатлари камайди, асоратлар профилактикаси таъминланди ва ўлим кўрсаткичлари пасайди. Амалиётга жорий қилинган тадбирлар нафақат тиббий самара, балки ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир бемор ҳисобига 1,3–1,6 млн сўм миқдорида иқтисодий фойда келтириши билан тасдиқланди ва ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади ҳамда асоратлар ва ўлимни камайтириш имконини беради.

*Иккинчи илмий янгилик*: қизилўнгач варикоз кенгайган веналаридан қон кетиш бўлган беморларда, портал гастропатия ва қон ивиш тизимининг издан чиқиши натижасида параллел равишда ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраларидан қон кетиши кузатилиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти*: жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишлари билан келган беморларда комплекс текширувлар ва даволаш режаси ишлаб чиқилди. Бунга кўра, қайд этилган патологик жараёнлар туфайли қон кетишини бартараф этилишига қаратилган даво усулларида, қон кетишининг тўхташи, рецидивларнинг камайиши амалий тасдиқланди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши*: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали бўйича буйруқ (11.11.2024 й.; №188) ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали бўйича буйруқ (28.02.2025 й.; №55) асосида амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: қизилўнгач варикоз веналаридан қон кетиши билан бирга ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетиши кузатилган беморларда комплекс текширув ва даволаш протоколини амалиётга жорий этиш асоратларнинг камайишига, рецидив қон кетиш

ҳолатларини 30–35% га пасайишига ҳамда ўлим кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтиришга кўмаклашди. Шу билан бирга, беморларнинг ҳаётий прогнозини яхшилаш ва уларнинг қайта-қайта шошилинич госпитализация қилинишининг олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* тақдим этилган комплекс даволаш усули жорий қилинган, беморларнинг шифохонада ўртача қолиш муддати 5–6 кунга қисқарди. (Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази прејскурантига кўра, бир кунлик даволаниш харажати 170000 сўмни ташкил этиши ҳисобга олинса, бир бемор ҳисобига 850000 – 1020000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиб самарадорликка эришилди). Шунингдек, асоратлар камайиши натижасида дори-дармонга бўлган талаб пасайиб, ҳар бир беморга ўртача 400000 – 500000 сўм тежамкорликка эришилди. Умумий ҳисобда ҳар бир беморда иқтисодий самарани 1,2 – 1,5 млн сўмга оширган ҳолда, даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларни камайтириш имконини беради. *Хулоса:* жигар циррози ва гастродуоденал ярадан қон кетиши кузатилган беморларда нафақат қон йўқотиш билан боғлиқ асоратлар, балки тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ва инфекциялар ривожланиши ҳам мумкинлиги аниқланди. Қон кетишни тўхтатиш, рецидивларни олдини олиш ҳамда асоратларни бартараф этишга қаратилган такомиллаштирилган усулларни амалиётга жорий этиш орқали даволаш самарадорлиги оширилди. Натижада рецидив қон кетиш ва асоратлар сони камайди, ўлим кўрсаткичлари пасайди, беморларнинг ҳаётий прогнозлари яхшиланди ҳамда юқори тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка эришилди.

*Учинчи илмий янгилик:* жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралардан қон кетишининг асосий сабаби доимий спиртли ичимликларни истеъмол қилиниши эканлиги клиник лабаратор текширувлар натижаси асосида исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишларда, касаллик кечишининг, клиник натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташҳислашда замонавий инструментал даволаш усуллари, комбинирланган эндогемостаз, гепатопротектор, антиоксидант, цитопротектив даволаш ёндашуви орқали қон кетишларни тўхтатиш, рецидив қон кетишларни ҳамда тизимли яллиғланиш асоратларини камайтириш йўли билан ўлим кўрсаткичларини камайтириш самарадорлиги аниқланган ва баҳоланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали бўйича буйруқ (11.11.2024 й.; №188) ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали бўйича буйруқ (28.02.2025 й.; №55) асосида амалиётга жорий этилган. ижтимоий самарадорлиги: эндоскопик гемостаз, яраларни клипплаш ва адреналин инъекция қилиш, Цефтриаксон, Ребамипид, Глутатион препаратларидан фойдаланиш натижасида асоратлар ривожланиш ҳолатларининг камайишига эришилади. *Ижтимоий*

*самарадорлиги:* ЖЦ фонида қон кетиш билан келган беморларда махсус антибиотикотерапия (цефалоспоринлар) ва комплекс даволашни жорий этиш қон кетиш рецидивларини 35–40% га камайтирди, тизимли яллиғланиш асоратларини чеклади ҳамда ўлим кўрсаткичларини пасайтиришга хизмат қилди. Шунингдек, шифохонага қайта госпитализация ҳолатлари сезиларли камайди, беморларнинг ҳаётий прогнозини яхшилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* комплекс даволаш усулларини амалиётга жорий қилиш натижасида беморларнинг шифохонада қолиш муддати сезиларли даражада қискарди. Бу эса ортиқча дори-дармон сарфини камайтириб, умумий даволаш харажатларини тежаш имконини берди. Шу билан бирга, қайта госпитализация эҳтиёжи камайди ва шифохоналарнинг моддий ресурсларидан самаралироқ фойдаланишга шароит яратди ва касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларга сарфланадиган харажатларни 1100000 сўмга камайтиришга эришилди. *Хулоса:* цефалоспоринлар билан антибиотикотерапия қўшилган комплекс даволаш қон кетишни тўхтатишда, рецидивларни олдини олишда, асоратларни камайтиришда ва ўлим кўрсаткичларини пасайтиришда юқори самара берди. Амалиётга жорий қилинган мазкур усул тиббий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир бемор ҳисобига 1,3–1,5 млн сўм иқтисодий фойда қилиш имконини берди.

*Тўртинчи илмий янгилик* жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралар мавжуд ҳолатларда нафақат қон кетиш асоратлари балки, жигар циррози ва массив қон кетишлар сабабли, тизимли яллиғланишли жавоб синдромининг (ТЯЖС) ҳамда инфекциянинг ривожланиши билан боғлиқ асоратларга олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар циррози фонида ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан қон кетишларда, касаллик кечишининг, клиник натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда замонавий инструментал даволаш усуллари, комбинирланган эндогемостаз, гепатопротектор, антиоксидант, цитопротектив даволаш ёндашуви орқали қон кетишларни тўхтатиш, рецидив қон кетишларни ҳамда тизимли яллиғланиш асоратларини камайтириш йўли билан ўлим кўрсаткичларини камайтириш самарадорлиги аниқланган ва баҳоланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали бўйича буйруқ (11.11.2024 й.; №188) ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали бўйича буйруқ (28.02.2025 й.; №55) асосида амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* эндоскопик гемостаз, яраларни клипплаш ва адреналин инъекция қилиш, Цефтриаксон, Ребамипид, Глутатион препаратларидан фойдаланиш натижасида асоратлар ривожланиш ҳолатларининг камайишига эришилади. *Ижтимоий самарадорлиги:* комплекс ташхислаш ва даволаш усулларини қўллаш орқали асоратлар сони камайди, қон кетиш билан боғлиқ ҳолатлар тезроқ бартараф

этилди ва инфекция ривожланиши ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Бу беморларнинг ҳаётий прогнозини яхшилаш, уларни тезроқ соғлом ҳаётга қайтариш ва қайта-қайта шошилиш ёрдамга муурожаат қилиш эҳтиёжини пасайтириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* шифохонада даволаниш даври ўртача 3–4 кунга қисқарди. Натижада 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини тахминан 300–350 минг сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни эса 300–400 минг сўмга тежаш имкони яратилди. Даволаниш даврининг қисқариши дори-дармон сарфининг камайишига ҳам олиб келиб, шифохоналарда моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлади. *Хулоса:* Жигар циррози фонида гастродуоденал яра билан кечган қон кетишларда инфекция ва тизимли яллиғланиш асоратлари ривожланиши мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланди. Ушбу беморларда қон кетишни бартараф этиш, рецидивларни камайитириш ва асоратларни олдини олишга қаратилган такомиллаштирилган усуллар клиник самарадорликни оширди. Натижада даволаш самараси яхшиланди, асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари пасайди, ижтимоий ва иқтисодий фойда таъминланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Жигар циррози ва ошқозон ва 12 бармоқли ичак яралари биргаликда келган ҳолатларда гастродуоденал қон кетишига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида гастродуоденал қон кетишлар этиологияси, патофизиологияси, жигар циррози фонида ривожланишига боғлиқ ва оид замонавий тушунчалар, боғлиқликлар сабабларининг таҳлили, ривожланиш омиллари, шунингдек

ушбу ҳолатларда қўлланилиб келаётган замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари ҳамда тамойиллари замонавий маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг чоп этилган манбалари асосида баён этилган. Шу билан бирга портал гипертензия шароитида шиллиқ қават ҳимоя функциясининг бузилиши, гастродуоденал яралардан қон кетиш ва ЖЦ ўртасидаги боғлиқлик, қон ивиш тизимидаги ўзгаришлар, гастродуоденал қон кетишларга таъсир қилувчи бошқа омилларнинг ўрни ва унинг аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг умумий характеристикаси ва текшириш услублари”** деб номланган иккинчи бобида жигар циррози фонида ривожланган гастродуоденал яралардан қон кетган беморларнинг клиник хусусиятлари, қўлланилган ташхисот ва жарроҳлик даволаш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот 2020-2024 йиллар давомида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти “Оилавий тиббиётда хирургик касалликлар” кафедраси клиник базаси ҳисобланган I - II шошилинич жарроҳлик бўлимларида олиб борилган.

Назорат (ретроспектив текшириш) сифатида қабул қилинган бу беморлар орасида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларидан (ОЎБИЯ) қон кетиши билан 1270 (58%), қизилўнгач варикоз кенгайган вена томирлари (КҚВВТ) дан қон кетиши билан 700(32%), яллиғланишга қарши ностероид праператлар (ЯҚНСП) ва медикаментлар таъсиридаги қон кетишлар билан келган беморлар 220(10%) кишини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичда Мэллори-Вейс синдроми, ўсмалардан қон кетиш ва бошқа кам учрайдиган патологиялар ҳисобга олинмади.

Ўтган давр ичида 1270(100%) ГДЯ қон кетиш билан даволанган беморлар бўлса, шуларнинг ичидан 38(3%) беморда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари (ЖСДК) (ЖЦ) ташхиси аниқланган.

Асосий (проспектив) гуруҳнинг 2023-2024 йилларда ОИТЮҚ қон кетиши билан мурожаат қилган 1606 беморида, эндоскопик текширишлар натижасида 450(28%) беморда КҚВВТ дан қон кетиш, 996 (62%) беморда ГДЯ дан қон кетиш ва ЯҚНСП қабул қилган 160(10%) беморда ўткир медикаментоз яралардан қон кетиш кузатилди. Қабул қилинган беморларда эндоскопик текширишлардан ташқари кўрсатмаларга биноан кенгайтирилган инструментал текшириш усуллари (МРТ, МСКТ, УТТ) ўтказилди. Мэллори-Вейс синдроми, ўсмалардан қон кетиш, полиплардан қон кетишлар ва бошқа кам учрайдиган патологиялар ҳисобга олинмади.

Қабул қилинган ГДЯ қон кетиши 996(100%) кузатилган беморларнинг 60(6%) да сурункали жигар паренхимасидаги диффуз ўзгаришлар (СЖДК) борлиги аниқланди ва фон касаллиги сифатида ЖЦ ташхиси қўйилди.

ЖЦ фонида ривожланган КҚВВТ қон кетиши кузатилган 450(100%) беморнинг 21(4,6%) беморда ҳам КҚВВТ қон кетиш ҳам гастродуоденал яралардан қон кетиш аниқланди ва бу беморлар ҳам текшириш гуруҳига киритилди. Назорат гуруҳи касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинганда ушбу гуруҳда бундай беморлар бўлмаган. Шундай қилиб, ЖЦ

фонида ГДЯ қон кетган беморлардан 60 бемор ва ҚКВВТ дан қон кетиш бўлсада гастродуоденал яралардан ҳам қон кетаётган 21 бемор аниқланди. Ушбу беморларда биз таклиф этган текшириш ва даволаш усуллари натижалари, даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ва хулосалар қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Анамнез.** Назорат гуруҳида беморларнинг 23(60%) тасида касалхонага келгунгача жигар циррози ташхиси мавжуд бўлган бўлса, 15(40%) беморда касалхонага келгандан кейин ёки операция вақтида ташхис қўйилган.

Асосий гуруҳдаги беморлардан 39(65%) киши касалхонага келган пайтда жигар циррози ташхиси қўйилган, 21(35%) беморда касалхонага келгандан кейин замонавий инструментал текшириш усулларида фойдаланган ҳолда даволаш жараёнида ташхис қўйилди.

**Шикоятлар.** Назорат гуруҳидаги 38(100%) беморларнинг 17(45%) тасида касалхонага келганча яра касаллиги билан боғлиқ эпигастрал соҳадаги оғриқ шикоятлари бўлмаган. Беморларда фақатгина ҳолсизлик, тез чарчаш, кўнгил айланиши, иш қобилиятининг пасайиши каби шикоятлар бўлган. Ушбу шикоятлар сабабли беморларда эндоскопик текширишлар ўтказилмаган ва фақат протон помпа ингибиторлари (ППИ) ва антацидлар қабул қилган.

#### 1-жадвал

#### Назорат ва асосий гуруҳда жигар циррози фонида гастродуоденал яралардан қон кетиши ўчоқлари ҳақида маълумот (n=98)

Қон кетиш манбаси	Назорат гуруҳи (n=38) гуруҳи n, (%)	Асосий (n=60) гуруҳи n, (%)
Ошқозон ярасидан	19(50%)	29(48%)
12 бармоқли ичак ярасидан	9(24%)	19(32%)
Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларидан	10(26%)	12(20%)
Жами:	38(100%)	60(100%)

Асосий гуруҳ беморларида 60(100%) беморларнинг 24(40%) тасида касалхонага келганча яра касаллиги билан боғлиқ эпигастрал соҳадаги оғриқ шикоятлари бўлмаган.

Ошқозон ичи эндоскоп ёрдамида сув билан ювилгандан сўнг, қонаш манбалари аниқланди. Бунда ошқозондан қон кетаётган яралар - 29(48%) (назорат гуруҳида 19(50%) беморда кўпинча ошқозоннинг тана, пилорик қисмларида), дуоденумдаги яралардан - 19(32%) (назорат гуруҳида 9(24%) беморда) ва ошқозон ҳамда дуоденумдаги яралардан - 12(20%) (назорат гуруҳида 10(26%) кишида қон кетиш аниқланди (1-жадвал).

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдан қон кетишини ташхислашнинг асосий усули - фиброгастродуоденоскопия (ФГДС) ҳисобланди, стандартга мувофиқ барча беморларда УТС, жигар эластометрияси кўрсатма бўлганда МРТ ва МРПХГ ўтказилди.

I - назорат гуруҳида, анъанавий консерватив даво (гемостатиклар, ангиопротекторлар, протон помпа ингибиторлари (ППИ), H<sub>2</sub>-блокаторлари, антацидлар) олган ва эндоскопик диатермокоагуляция, шунингдек жарроҳлик операциялари қилинган 38 беморнинг касаллик тарихи

ретроспектив тарзда ўрганилди.

II – асосий гуруҳда проспектив тадқиқот ўтказилди, гастродуоденал яралардан қонаётган 60 ва ҳам ҚВКВТ ҳам гастродуоденал қонаётган 81 нафар бемор киритилиб даволаш сифатини ошириш ва қон кетишининг рецидивланишини бартараф қилишга қаратилган анъанавий давога қўшимча равишда, цефтриаксон 1,0-2 маҳал вена ичига, ребамипид 100 мг, 0,9% натрий хлорид эритмасида, кунига 2 марта, глутатион эритмаси - 1,2г томир ичига секин томчилатиб, эндоскопик гемостазнинг комбинацияланган гемостаз усулларида маҳаллий адреналин 1:10000 нисбатда инъекция қилиш ва қонаётган томирга клипс қўйиш бажарилди. Кўрсатмаларга кўра, инъекция, гемостазнинг бошқа усулларида фойдаланилди. Бир инъекция учун юбориладиган адреналин эритмаси миқдори 1,0 мл дан ошмаслиги керак, умумий ҳажми 4-5 мл ни ташкил қилади ва ундан ошмаслиги керак.

Назорат гуруҳидаги 38 беморда қон кетишини тўхтатиш учун фақатгина монополяр диатермокоагуляция эндоскопик усул сифатида фойдаланилган.

Назорат гуруҳидаги беморлар қон кетиш сабабнинг характериға асосан, яъни ёши, жинси асосий гуруҳ билан таққосланадиган бўлди.

**Ёш.** Тузилиш жиҳатидан иккита кузатув гуруҳида жинс жиҳатидан катта тафовут кузатилмади ( $p>0,05$ ). Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тузилишида, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифига кўра (1963), кузатувнинг I- ва II-гуруҳларида ЖЦ фонида ривожланган ГДЯ дан қон кетиш билан касалланган беморларнинг ярмидан кўпи ўрта 45-59 (мос равишда 73,7% ва 80%) ёшни ташкил қилди. Кексалар ва қарилик ёши 60-89 ёшни (мос равишда 26,3% ва 20%) ташкил этди. I-гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши  $57,5 \pm 10,5$  ёш, II-гуруҳда- $59,5 \pm 12,6$  ёшни ташкил қилди. Ўртача ёшга кўра, иккала кузатув гуруҳида ҳам бир хиллик аниқланди ( $p>0,05$ ). (2-жадвал)

## 2-жадвал

### ЖЦ фонида ривожланган ГДЯ дан қон кетиш билан касалланган беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши

Жинс	I (назорат) - гуруҳ (n=38) абс.с.(%)	II (асосий) - гуруҳ (n=60) абс.с.(%)	Жами (n=98) абс.с.(%)
Эркаклар	28(74%)	45(75%)	73(74,5%)
Аёллар	10(26%)	15(25%)	25(25,5%)

Изоҳ: -асосий ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмади ( $p>0,001$ ).

Ўртача ёш бўйича учта кузатиш гуруҳи бир хил эди, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмади ( $p>0,05$ ). Ёш гуруҳларида (45-59 ёш, 60-89 ёш) асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқ йўқ ( $p>0,05$ ) (3-жадвал).

## 3-жадвал

### ЖЦ фонида ривожланган ГДЯ лардан қон кетиш билан касалланган беморларнинг ёшига кўра тақсимланиши



Ёши	I-гурух (n=38) абс.с.(%)	II-гурух (n=60) абс.с.(%)	Жами (n=98) абс.с.(%)
45-59 (Ўрта ёш)	28(73,7%)	48(80%)	76(77,5%)
60-89 (кекса ва қарилик ёши)	10(26,3%)	12(20%)	22(22,4%)

Изоҳ: \*Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида иккита ёш тоифасида аҳамиятли фарқлар аниқланди ( $p<0,05$ ).

Беморларнинг ошқозон-ичак трактининг юқори қисмидан (ОИТЮҚ) қон кетишининг интенсивлигини баҳолаш учун Forrest таснифи ишлатилди (1974й). ҚВКВ кенгайиш даражаси баҳолашда Шерцингер таснифидан фойдаланилди. Шу асосда иккала гуруҳда ҳам фарқлар аниқланмади ( $p>0,05$ ).

Шунингдек, статистик репрезентатив намунани олиш учун В.К.Гостищев ва М.А.Евсеев (2005) бўйича қон йўқотиш даражасининг таснифи қўлланилган. Беморларнинг қон йўқотиш даражаси бўйича иккита кузатув гуруҳига тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

##### Гостищев В.К. ва Евсеев М.А. бўйича қон йўқотиш даражасининг таснифи (2005)

Қон йўқотиш даражаси	Глобуляр ҳажмнинг етишмаслиги ЦКХ, %
Енгил	15 гача
Ўрта	15 дан 25 гача
Оғир	25 дан 35 гача
Жуда оғир	35 дан юқори

Назорат гуруҳидаги беморларда қон йўқотиш даражалари енгил даражада 5 (13%), ўрта оғир 10 (26,3%), оғир даража 17 (44,7%) ва жуда оғир қон йўқотиш 6 (16%) беморни ташкил қилди.

Асосий гуруҳ беморларнинг енгил қон йўқотиш билан 9 (15%) бемор, 19 (32%) киши ўртача қон йўқотиш, 23 (39%) киши оғир қон йўқотиш, 9 (14%) бемор жуда оғир қон йўқотиш билан касалхона бўлимларига ётқизилган. Қон йўқотиш даражасига кўра, асосий ва назорат гуруҳлари таққосланадиган эди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

##### I- II -гуруҳлардаги қон кетишида қон йўқотиш даражаси бўйича беморларнинг тақсимланиши

Қон йўқотиш даражаси	I-(назорат гуруҳ) (n=38) сон (%)	II-( асосий гуруҳ) (n=60) сон (%)	Жами (n=98) абс.сон (%)
Енгил	5(13%)	9(15%)	14(14,3%)
Ўрта	10(26,3%)	19(32%)	29(29,5%)
Оғир	17(44,7%)	23(39%)	40(41%)
Жуда оғир	6(16%)	9(14%)	15(15,2%)

Изоҳ: -гуруҳлар орасида параметрларда аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p>0,05$ ).

Асосий ва назорат гуруҳи беморлари ЖЦ ривожланганлик даражасига кўра қуйидагича бўлинди. ЖЦ жигар функционал ҳолатига кўра Чайлд-Пью таснифига асосан А, В ва С гуруҳларга бўлинди. Қулайлик учун А синфдаги беморларни компенсацияланган гуруҳга, В ва С синфларни декомпенсацияланган гуруҳларга киритдик (тақсимланиш – 6-жадвалда кўрсатилган). ЖЦ компенсация босқичи фонида мос равишда 9(15%) ва 3(8%) ва декомпенсация босқичида мос равишда 51(85%) ва 35(92%) учради. (6-жадвал)

**6-жадвал**

**ЖЦ да жигарнинг функционал ҳолатига кўра тақсимланиши (n=98)**

Касаллик характери	I-назорат гуруҳи (n=38) абс (%)	II-асосий гуруҳ (n=60) абс (%)
ЖЦ компенсация	3(8%)	9(15%)
ЖЦ декомпенсация	35(92%)	51(85%)
Жами	38(100%)	60(100%)

Назорат ва асосий гуруҳлар жинси, ёши ва қон йўқотиш даражаси бўйича бир хил ва солиштириш мумкин эди ( $p>0,05$ ).

